

РЎЗИ ОЧИЛ

КЎНГИЛ  
МИНОРАСИ

*ШЕЪРЛАР*



**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**

Тошкент  
2012

**УДК 821.512.133-1**

**84(5Ў)7**

**О-95**

**Очил, Рўзи.** Қўнғил минораси: шеърлар/Р.Очил. –  
Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. –120 б.

Ушбу шеърий тўплам шоирнинг 10-китоби.

Рўзи Очилнинг Ватанни, муҳаббатни, одамийликни  
удуғловчи шеърлари мушоҳадага бойлиги, таъсирчанлиги билан  
ўзига хос.

Синчков ўқувчи! Ушбу китобдан ўрин олган шеърларни ўқиб,  
шеърятга меҳрингиз ошишига умид қиламан.

**УДК 821.512.133-1**

**КБК 84(5Ў)7**

Мазкур китобни чоп этишда моддий ёрдам берган  
«Ҳасан-Ҳусан» фермер хўжалиги раҳбари  
Абдуниғмон Тешабоевга муаллиф ўз миннатдорчилигини  
билдиради

ISBN 978-9943-08-916-7

© Рўзи Очил, «Қўнғил минораси». «Янги аср авлоди», 2012  
йил.

## 10-КИТОБ

*Жаҳон айвонига келган Рўзи Очилман,  
Не-не синовлардан ўтган Рўзи Очилман.  
Тегирмондан бутун чиққан Рўзи Очилман,  
Пўлатдек тобланиб пишган Рўзи Очилман.*

Бу сатрларда Рўзи Очил ўзининг ёшлиги қийин даврларда ўтганлигини шундай бир ўкинч билан эслайди. Биз туғилган йил Иккинчи Жаҳон урушининг ўрталарига тўғри келди. Нон деса шамол ғувулар эди. Йўқчилик, қийинчилик, очарчилик, одам-одамни танимайдиган, раҳм-шафқат қилишдан ҳоли вақтлар эди. Ҳар ким нима қилиб бўлса ҳам, бу даврдан омон ўтиб олишни ўйлар эди. Рўзи Очилнинг ота-онаси олти фарзандини уруш, очарчилик давридан омон-эсон олиб ўтишди. Уруш тугагач, силласи қуриган халқ тикланиш, қайта қуришни бошлаб юборди. Бугунгидек эсимда, шу урушнинг асорати 1953 йил Сталин вафотига қадар давом этган эди, тўйиб нон емаган эдик. У даврларда асосий луқмамиз олма қоқи, туршак, шафтоли қоқи, олча қоқи эди.

1953 йилдан сўнг нонга оғзимиз тегди, у ҳам бўлса зорора нон эди. Шундай синовларни кўрган Рўзи Очил Бўстонлиқ тумани Хондойлиқ қишлоғидаги 11-мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Ўқишга қизиқиши бениҳоят даражада юксак эди. 3-синфдалигида буюк адибларимиз Ҳ.Олимжон, Ф.Фулум шеърларини ёддан билар эди. Яратган берган беқиёс овози билан мактаб тадбирларига кўтаринки руҳ бағишлар эди.

1955 йил ҳаёт тақозоси билан шоирнинг отаси қазо қилиб, улар оиласи Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғига кўчиб келди. У ерда 18-мактабда таҳсил ола

бошлади. 7-синфдалигида азбаройи адабиётга, шеър-иятга қизиққанидан 300 га яқин шеърни ёддан билар эди. Атоқли ҳофизлар куйлаган қўшиқларни 2 марта тинглагач, ёдлаб олиб, куйлаб юрар эди. Мазкур мактабни яхши баҳоларга битирган Рўзи Очил 1964–1967 йиллар Армия сафида хизмат қилди, хизмат қилаётган ҳарбий бўлим янгиликларини Қуролли кучлар газета-журналларида ёритиб турди. Шеърларини Ўзбекистонда чоп этиладиган газеталарга юбориб турар эди. 1970 йилда «Маданий оқартув» техникумини, 1978 йил Низомий номидаги педагогика олийгоҳини имтиёзли диплом билан битирди. 2005 йилгача мактабларда, техникумда ўқитувчи, раҳбар бўлиб ишлади. Ёшлигидан шеър-иятга қизиққан эмасми, қайси жабҳада ишламасин, шеър машқини қўймади. Қирқ уч йил ёш авлодга таълим-тарбия беришдек буюк иш билан шуғулланди. У ўз ҳаётини фақат меҳнатдан топди. «Меҳнат қилган хор бўлмас»лигини исботлади.

*Меҳнатдан топасан инсон,  
Толе бахти-ю тахтингни.  
«Олма пишу оғзимга туш» деб,  
Ўтказма қиммат вақтингни.*

2002 йилдан бошлаб шоирнинг ўзига хос 9 та китоби чоп этилди. Ҳаёт жабҳаларида пўлатдек тобланиб пишган, ҳар куни шеър ёзмаса туролмайдиган ҳассос шоиримизнинг 10-китоби Сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

*Барчасидин устун қўйдим ижодни,  
Юрагим тубидан чиққан сас, фарёдни,  
Ҳеч ким билолмади қалбимдаги дардни,  
Пўлатдек тобланиб пишган Рўзи Очилман.*

*Шавкат ТУРОБ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир*

## **ПЎЛАТДЕК ТОБЛАНИБ**

Жаҳон айвонига келган Рўзи Очилман,  
Не-не синоатни кўрган Рўзи Очилман,  
Пўлатдек тобланиб пишган Рўзи Очилман,  
Тегирмондан бутун чиққан Рўзи Очилман.

Азоблардан енгилмасдан яшаб қолдим,  
Тоза, равон йўлларимга назар солдим,  
Йўқчиликдан барча аламларни кўрдим,  
Тегирмондан бутун чиққан Рўзи Очилман.

Барча жигарларни у ёққа кузатдим,  
Бу оламда якка, ёлғиз қолиб кетдим,  
Ўзимга ўзим тасалли излаб топдим,  
Ижоддан аламин олган Рўзи Очилман.

Жаҳонда бошимга тушмаган иш қолмади,  
Тақдир бошимга не савдолар солмади,  
Қайтар дунёда кимлар қасос олмади,  
Пўлатдек тобланиб пишган Рўзи Очилман.

Ҳеч қачон енгилмадим дунё ишидан,  
Бахилларнинг ғийбату майда гапидан,  
Қулоқ қутулмас нокаслар миш-мишидан,  
Пўлатдек тобланиб пишган Рўзи Очилман.

Барчасидин устун қўйдим шул ижодни,  
Юрагим тубидан чиққан сас, фарёдни,  
Ҳеч ким билолмади қалбимдаги дардни,  
Ижоддан аламин олган Рўзи Очилман.

## **ҚУТИЛИБ БЎЛМАС**

Енгил шабадалар эсиб елкамдан,  
Ҳаёт ташвишларин олиб кетади.  
Бир зумда қутилиб оғирлик ондан,  
Эркин нафас олиб юргим келади.

Ёшинг аллаерга бориб қолса ҳам,  
Фарзанд, набирадан қутилиб бўлмас.  
Йилма-йил улғаяр ташвишлари ҳам,  
Эркин оёқларинг узатиб бўлмас.

Сен истамасанг ҳам маслаҳат кутар,  
Натижасин кутиб олдингда турар.  
Ҳаттоки ўлимлик сарфу харжларинг,  
«Жойига қўйиб қўярмиз» – сўрар.

Нима ҳам қиласан, ота-онасан,  
Ўлгунча «фарзандим» дея ёнасан.  
Меҳнатларинг асло зое кетмасин,  
Уларнинг роҳатин шунда туясан.

## **СОҒСАН КЕРАКСАН**

Ҳар ишки ўз вақтида бўлгани маъқул,  
Вақт ўтгач қилич чопасан нуқул.  
Ишни ҳам қилгил ўз мавридида,  
Вақт топгин дам олиш тараддудида.

Ишни ҳам қилади белгиланган чоғ,  
Дамни ҳам олади юриш учун соғ.  
Имкон топиб сиҳатгоҳга боради,  
Соғлиқни тиклашга борин беради.

Соғлифинг бўлса ҳар кимга кераксан,  
Соғ бўлмасанг ўз уйингга нокераксан.  
Гар соғлик бўлмаса ўзингга ўзинг,  
Ҳаттоки туққанингга нокераксан.

Жонинг асра соғлик кетмасдан бурун,  
Қарагин юзтубан тушмасдан бурун.  
Билгил, жонинг учун ҳеч ким жон беролмас,  
Боргинг келмаган жойга бормасдан бурун.

## **ОТАМ ЎГИТИ**

Бехосдан эсимга тушар отамни  
Бизларга ўғит, насиҳат қилгани.  
Билсангиз сизларга ҳар куни байрам,  
Қорнинг тўқ, эгнинг бут бўлса бўлгани.

Орадан неча йил ўтган бўлса ҳам  
Жаранглаб туради отам сўзлари.  
Қийинчиликда ҳар не кўрдик баҳам,  
Очарчиликдан олиб чиқди ўзлари.

Шундай даврларни бошдан ўтказдик,  
Энди гўштсиз овқат ейишолмайди.  
Ношукур бўлмангиз, бизлар кўрдик,  
Сизга ўхшаганлар яшаёлмайди.

Ўтган дамларни унутиб бўлурми,  
Эски кийимни ташлаб бўлурми.  
Янгисин қургунча кўча-томингни,  
Таъмирлаб турсанг-чи бузиб бўлурми.

Отам ўғитлари ёдга тушганда,  
Ўзим оталигим сезиб қоламан.  
Ногаҳон ўғил, қиз, набираларга  
Отам ўғитларин тўкиб соламан.

## **ЭЛНИНГ ДАРДИ БИЛАН ЁН**

Йигит бўлсанг эл дардига малҳам бўл,  
Инсонлик хислатидан баҳраманд бўл.  
Ҳар ким ҳожатин чиқаргин дуо ол,  
Ҳазрати инсон кўнглига қулоқ сол.

Арзин, тингла аввал, имкон бўлса,  
Ёрдамнинг аяма, иложинг бўлса.  
Ахир барчамиз Аллоҳнинг бандаси,  
Тилингда, қалбингда ихлосинг бўлса.

Одамни синов дунёсига қўйди,  
Кузатди ҳар бирин баробар суйди.  
Яхшилик қилишдек буюк хислатни,  
Ҳамма умматларин қалбига қуйди.

Гуручда курмакдек, бордир ёмони,  
Ахир дунёнинг бўлган тўрт томони.  
Ошдан чиққан тошу курмак бўлмангиз,  
Яратган измидан зинҳор чиқмангиз.

## **КЕКСАЛИК ИЛТИЖОСИ**

Ёшинг улғайган сари  
Қора кетар сочингдан.  
Бир келиб ёшлик бари,  
Кал бўласан бошингдан.

Ёшлиқдаги ишларинг  
Ҳозир қила олмайсан.  
Секин тушади тишинг,  
Таом ея олмайсан.

Қувват кетиб тиззангдан,  
Нуринг кетар кўзингдан.  
Ҳеч ким ҳам чўчимайди,  
Сенинг айтган сўзингдан.



Бамисоли чақалоқ,  
Соч, соқолинг ҳам оппоқ.  
Лек ёшлигингдан кўра,  
Ақду ҳушингдир соғроқ.

Ёққанга-ку ёқасан,  
Хира-хандон боқасан.  
«Малол келмасманми» – деб,  
Йўқ хаёлга борасан.

Қаришлик шу ёронлар,  
Ёқмас шовқин-суронлар.  
Илтижо кексаликда,  
Ҳеч келмасин бўронлар.

Тинчликни тилаб ҳар кун  
Бағримиз бўлсин бутун.  
Кекса бир ҳорғин қалбдан  
Асло чиқмасин тутун.

### **УЙҚУДАН-ДА УСТУН ИЖОД**

Ҳатто кечки шафақ ботган онидан,  
Сўфи азон чақиргунча бедорман.  
Шеърдан бўшамаган ақл, онгимдан,  
Субҳи тонг тўхтайман гўё беморман.

Кундуз ухламасанг гала-говурдан,  
Кўзинг тин олмаса шовур-шувурдан.  
Етмагандек набиралар чувлашиб,  
Атрофимда айланишар қувлашиб.

Буниси каммиди, бугун чойхона,  
Хайёмдан сўйлаймиз озроқ майхона.  
Умуман уйқунинг баҳридан ўтиб,  
Яна интизорман илҳомим кутиб.

Уйқу на ҳожат ижод турганда,  
Фикрлар тугёни чақмоқ чаққанда.  
«Мени ёз» – деб шеърлар уйқу бермасдан  
Баданга ниналар санчиб турганда.

### **СОҲИБҚИРОНИМ, ХУШ КЕЛДИНГ**

*Қутлуғ қадами нурафшон набирамга*

Сен келдинг, уйимга зиё ёғилди,  
Ижод жўшиб, беқиёс гоё ёғилди.  
Уйимга барака, қут олиб кирдинг,  
Хазинам тўлгандек сармоя ёғилди.

Икки буванг, икки бувинг бағоят  
Дуо қилур, сенга алқарлар ният.  
Исмингга монанд абжир йигит бўл,  
Бағрингнинг кенлиги бўлсин мисли кўл.

Кўксимга босиб латиф юзчангдан ўпсам,  
Шу он дунё ташвишларин унутсам.  
Рўзи Очил буважонинг дуоси,  
Амир Темур бобожонингдек бўлсанг.

### **ИБРАТЛИ ЙЎЛ**

*Ўзбекистон Қаҳрамони  
Тўлқинбек Ибрагимовга бағишланади*

Қибрай эл – катта диёр,  
Унинг Байтқўрғони бор.  
Бу қишлоқ мамлакатда  
Яшагайдир барқарор.  
Унинг бағридан неча  
Ёрқин кундуз ва кеча.  
Чиққан не алломалар,  
Ажойиб ҳангомалар  
Унда не бир инсонлар



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2237> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2237> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2237>